



Ж.М. АБДУРАСУЛОВ

6/19285/1

# РАҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ АЛОМАТЛАРИ

УЗБЕКИСТОН ССР  
«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ


Ж. М. АБДУРАСУЛОВ

616-006  
A-139

РАК КАСАЛЛИГИНИНГ  
ДАСТЛАБКИ  
АЛОМАТЛАРИ

dp 192551

№ 15



Узбекистон КП Марказий Комитетининг  
Бирлашган нашриёти  
Тошкент—1967

617.3  
A15

Абдурасулов Ж. М.

Рак касаллигининг дастлабки аломатлари.  
Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1967.  
33 бет. (ЎзССР «Билим» жамияти).  
Тиражи 23030.

Абдурасулов Д. М. Что нужно знать о ранних  
признаках рака.

617.3

*На узбекском языке*

**Д. М. АБДУРАСУЛОВ**

**ЧТО НУЖНО ЗНАТЬ О РАННИХ ПРИЗНАКАХ РАКА**

Объединенное издательство  
ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент — 1967

Редактор Ш. Тоҳиров  
Техредактор В. Зубовская Корректор А. Азизов

Теришга берилди 20/IV 1967 й. Босишга рухсат этилди 22/VI 1967 й.  
Коғоз формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босма листи 1.0. Шартли босма листи 1.64.  
Нашриёт ҳисоб листи 1.67. Тиражи 23030. Нашр № 282. Р05108.  
Заказ 3798. Баҳси 6 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган национальни  
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кучаси, уй № 26.

Рак катта ёшдаги одамлар үртасида күпинча үлимга сабаб бўладиган оғир касалликлардан биридир. Совет Иттифоқида бу касалликка қарши курашга кўпгина олимлар ва медицина ходимлари жалб этилган. Айни вақтда маҳсус илмий ва даволаш-профилактика муассасалари ташкил қилинган. Бундай чораларнинг кўрилиши натижасида бизнинг мазкур касаллик тўғрисидаги билимларимиз йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, шу билан бирга уни яхшироқ ва тезроқ аниқлайдиган, бинобарин, унга қарши яхшироқ ва тўлароқ даво топадиган бўла бормоқдамиз.

Брачларнинг кўп сонли кузатувларидан маълум бўлишича, баданига ўсма келиб, нобуд бўлган беморларнинг аксарияти бу оғир касалликнинг белги-аломатларини билганида ва ўз вақтида врачга мурожаат қилиб, даволанганида эди, уларни рак фалокатидан қутқариб қолиш мумкин бўлур эди.

Модомики шундай экан, ҳар бир киши ракнинг қандай касаллик эканини, унинг белгиларини ва олдини олиш йўлларини аниқ-равшаш билиши керак.

Одам танасида бўладиган ёмон сифатли ўсмалар қадим замонларда ҳам маълум бўлган. Бу касаллик Миср ва Греция табобат илмида эслатиб ўтилган. Бизнинг эрамиздан анча илгари Греция враchlари бу касалликка рак (саратон) касаллиги деб ном берганлар.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, рак касаллигини тажриба ҳайвонларида текшириш мумкин бўлганидан кейин, ёмон сифатли ўсмалар проблемасини жiddий үрганишга киришилди. Ракни ҳайвонлар устида ўтказида-диган тажрибаларда текшириш мумкинлигини кўрсатиб берган ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган бу кашфиётни 1877 йилда М. А. Новинский очди. У касал итдан бир бўлак ўсма олиб, соғлом итга эмланса, ўша бўлак каттакон бўлиб ўсиб кетишини ва ҳайвоннинг ўлимига сабаб бўлишини нозик тажрибалар билан исботлаб берди.

Бир ҳайвондан ўсма олиб, бошқа бир ҳайвонга эмлаш усули рак касаллигини текшириш учун лабораторияда доимо керакли материалга эга бўлишга имконият яратади.

Кейинги пайтларда баъзи кимёвий моддалар (канцероген — рак пайдо қилувчи моддалар) нинг ўсмага сабаб бўла олиши аниқланди. Бу ёмон сифатли ўсмаларга қарши курашда яна бир муҳим босқич бўлди. Биринчи бўлиб аниқланган тошкўмир мойи ана шундай моддалар қаторидан дастлабки ўринин эгаллади. 1916 йилда япон олимларидан Ямагива билан Искава тошкўмир смолоси ёрдамида қўён терисида рак ҳосил қилишга эришди. Ўсма дарҳол пайдо бўлмай, 8—10 ой ўтгандан кейин ва ундан ҳам кечроқ вақт ичидаги пайдо бўлди.

Чиндан ҳам, кимёвий моддалар га сабаб бўлар экан, демак, одамзодни бу касалликдан халос этиш учун ўсма пайдо қила оладиган нарсаларнииг ҳаммасини текшириб чиқиш керак. Шу муносабат билан табиий ва сунъий равишда олинадиган хилма-хил кимёвий моддалар текшириб чиқилди. Ҳозирги вақтда лаборатория ҳайвонлари — сичқонлар, каламушлар ва қўёнларда рак пайдо қила оладиган бир неча юзлаб кимёвий моддалар маълум. Рак пайдо қилувчи моддалар орасида ҳайвон танасининг қаерига киритилган бўлса, шу ерида ўсма пайдо қилмай, балки узоқларда жойлашган бошқа органларда ўсма пайдо қиладиган моддалар ҳам топилган. Масалан, қуёнларга ортоамиотолуол берилганида, жигар ўスマси вужудга келса, сичқонлар мускули орасига уретан юборилганида, ўпка ўスマси пайдо бўлади.

Кимёвий канцероген моддалар турли ҳайвонларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, бир турдаги ҳайвон табиий шароитларда ўсма билан қанча тез касалланса, унда шунча кўп ва осонлик билан ўсма пайдо қилиш мумкин бўлади. Олимлар мана шу фактларга асосланиб туриб, ҳар бир тур ва индивид кимёвий канцероген моддаларга нисбатан, чамаси, ҳар хил даражада мойил бўлади, деган фикрга келишиди.

Кейинчалик ҳайвонларга гормон<sup>1</sup>ларни узоқ вақт бе-

<sup>1</sup> Гормон — организмнииг нормал тарзда ишлаб туриши учун зарур бўлган ва ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган модда бўлиб, у одамда учрайдиган талаіғни касалликларга даво тариқасида ҳозир кўп ишлатилади.

риб турганда ёмон сифатли ўсмалар пайдо бўлиши аниқланди. Масалан, тажриба ҳайвонлари организмига узоқ вақт давомида аёллар жинсий гормони юбориб турилса, купчилик ҳолларда сут бези ўсмаси пайдо бўлиши мумкин.

Бу ўринда шундай бир савол туғилади:

Кимёвий канцероген моддалар билан гормонларнинг ҳайвон организмига таъсири қилишида қандай ўхшашлик бор?

Кимёвий канцероген моддалар билан гормонларнинг таъсиридаги ўхшашлик, чамаси, шу моддаларнинг нормал организмнинг ҳаёт-фаолиятини жуда ўзгартириб, ёмон сифатли ўсмалар вужудга келиши учун шароит туғдириб беришида бўлса керак. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, канцероген моддалар нормал ҳужайраларда оқсил билан биришиб, ўша ҳужайраларда моддалар алмашинувини ўзгартиради. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, кимёвий моддалар нуклеин кислоталарнинг тузилишини, шу тариқа соғлом ҳужайралар ирсиятини ўзгартиради. Ўчинчи бир гуруҳ олимларнинг фикрича эса, кимёвий канцерогенлар ўсма пайдо қиласидиган вируслар учун қулай шароит яратиб беради.

Атоқли рус олими И. И. Мечников 1910 йилда ракни вирус келтириб чиқариши мумкин, деган тахминни айтган эди. Пейтон Рауснинг дастлабки тажриба тадқиқотлари унинг тахмини тўғрилигини тасдиқлади. Раус товуқларда учрайдиган саркомани текширар экан, мана бундай тажриба қилиб курди: ўсмани яхшилаб майдадали, кейин ҳосил бўлган бўтқага сув қўшди. Шу хилда тайёрланган экстрактни фильтрдан ўтказди. Фильтр тешиклари шу қадар майда эдики, у ҳужайраларнигина эмас, балки бактерияларни ҳам ушлаб қолиб, фақат вирусларнигина ўтказиб юборарди. Сўнгра бояги экстракт соғлом товуқларнинг кўкрак мускулига юборилди. Орадан 2—3 ҳафта ўтгач, ўсма экстракти юборилган товуқларнинг ҳаммаси касал бўлиб қолди. Товуқлар саркомасининг фильтратида чиндан ҳам ўсма пайдо қиласидиган вирус бўлганлиги тажрибада исботланди.

Бироқ ракка сабаб бўладиган бошқа вируслар узоқ вақтгacha топилмай келди. Бундай вируслар анчадан кеийингина кашф этилди. Қуёнларда бўладиган сўгалсимон ўсмалар — папилломалардан эзиб тайёрланган бўтқа соғлом қуён терисига ийланса, унда ҳам папилломалар пайдо бўлишини 1933 йилда Шоуп аниқлаб берди.

Папиллома ҳужайраларида бу касалликин келтириб чиқарадиган алоҳида вирус борлиги ва шунга кўра таркибида вирус бўлгани ҳолда ҳужайралар бўлмайдиган фильтрат ёрдамида папилломани бир ҳайвондан бошқа бир ҳайвонга ўтказиш мумкинлиги кейинги текширишларда аниқланди. Папилломаси бор қуёnlар кузатиб борилганида 10—18 ойдан кейин уша папилломалар ўринида одатда шиддат билан ўсадиган ва ҳайвонни ўлимга олиб борадиган рак ўсмалари пайдо бўлиши маълум бўлди. Мазкур папиллома текшириб курилганида галати бир ҳодисага дуч келинди. Вирусни папилломадан ажратиб олиш осон бўлса-да, папиллома ўринида юзага келган рак тўқимасидан уни топиб бўлмади. Шу тўқимани соғлом қуён терисига ийлаб киритиш ҳеч қачон папиллома ҳосил бўлишига олиб келмади. Модомики, шундай экан, вирус ўсмадан йўқолиб кетди дейиш керакми? Иўқ. Чунки маҳсус текширишлар ўсма таркибида шу вируслар бўлганини кўрсатди. Лекин улар касаллик пайдо қилиш хоссасини, яъни соғлом қуёнда папилломаларни вужудга келтириш лаёқатини йўқотиб қўйганлиги аниқланди. Касаллик пайдо қила олмайдиган бўлиб қолган бундай вируслар «ниқобланган вируслар» деб атала бошлади. Вирус «ниқоб тортганида» унда қандай ҳодиса рўй бериши шу кунгача тўла аниқланган эмас.

Рак касаллигининг келиб чиқиши туғрисида баён қилинган кўпгина назариялар орасида рак наслдан-наслга ўтади, деган назария бир вақтлар анча кеңг тарқалган эди. Америка олимлари шу назарияни исботламоқ учун рак касаллиги бор сичқон оиласлари билан рак касаллиги бўлмаган сичқон оиласларни танлаб олиб, ҳар икки оиласга мансуб сичқонларни бир-бири билан чатиштиридилар. Уларни бу хилда чатиштириш бир неча насл доирасида давом эттирилди. Натижада икки хил сичқон зоти олинди: уларнинг бирида ургочи сичқонларнинг деярли ҳаммаси сут бези раки билан оғриган бўлса, иккинчисида бундай касаллик мутлақо учрамади.

Шундай қараганда, ушбу мисолда, рак наслдан-наслга ўтади, деган назария гўё исбот этилгандек, бу назария тарафдорлари гўё ғолиб чиққандек бўлиб кўринди. Бироқ, бир неча йилдан кейин худди уша зотдаги сичқонлар устида ўтказилган тажрибаларда масаланинг бўтунлай бошқача эканлиги маълум бўлиб қолди. Бу тажрибалар мана бу тарзда қилиниди: ракли зотдан

янги туғилған сичқон болалари онасини эммасидан илгари ажратиб олиниб, ракдан холи бўлган урғочи сичқонларга, ракдан холи бўлган урғочи сичқонларнинг янги туғилған болалари эса, эмдириш учун ракли урғочи сичқонларга қўшиб кўйилди. Агар рак билан касал ланиш хусусияти наслдан-наслга ўтадиган бўлганида эди, сичқон болаларини шу тариқа кўчириб жойлаштиришнинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган бўлур эди. Ахир организмнинг ирсий хусусиятларига сут хили таъсир кўрсатиши мумкин эмаску.

Лекин, аҳвол мана бундай бўлиб чиқди: ракли сичқонлардан туғилиб, раксиз урғочи сичқонлар сутини эмган сичқон болалари касалланмади, раксиз сичқонлардан туғилиб, ракли сичқонлар сутини эмган сичқон болалари эса, рак билан оғриб қолди. Бу тажриба неча мартараб тақрор ва тақрор текшириб кўрилди, лекин иатижа ҳамиша бир хил бўлиб чиқаверди. Демак, гап мутлақо ҳайвон зоти ва ирсиятида бўлмай, балки сутдадир. Ракли сичқон зотидан олинган сут ракдан холи бўлган зотдаги сичқонларнинг териси остига ёки қорин бўшлиғига юборилди, бунда ракдан холи бўлган зотдаги сичқонлар 8—15 ойдан кейин рак билан оғриб қолди. Ҳеч шубҳасизки, сутда ракка сабаб буладиган қандайдир модда бор эди. Бу модда вирус бўлиб чиқди. Сичқонларнинг сут бези ракидан топилған вирус сўнгги йилларда батафсил текширилди. Маълум бўлишича, вирус сичқон туғилганидан кейин кўп деганда 3—4 ҳафталик бўлгунча унинг организмига тушса, шундагина рак пайдо қилас экан. Бордию кечроқ, орадан 3—4 ҳафталик давр ўтганидан кейин тушса, касаллик пайдо бўлмас, лекин вирус сичқон организмидаги умр бўйи сақланаб қолар экан.

Ҳозирги вақтда ҳайвонларда ўсма пайдо қиладиган вирусларнинг 30 га яқин тури кашф этилган ва яхши текширилган. Хусусан, 1957 йилда полиома вируси деб аталган вируснинг кашф этилиши айниқса диққатга сазовордир. Бу вирус каламушлар, сичқонлар, қуёнлар, латчалар ва денгиз чўчқаларининг турли органларида ёмон сифатли ўсмалар пайдо қиласди. Ҳаммадан қизиғи шундаки, ўсма этилиб бўлганидан кейин ундан бу вирусни ажратиб олиб бўлмайди.

Машҳур совет вирусологи Л. А. Зильбернинг фикрича, вируслар рак ўсмалари пайдо бўлишининг дастлабки давридагина, яъни соғлом ҳужайранинг рак ҳужай-

расига айланиш давридагина салбий аҳамиятга эга бўлади. Рак ҳужайраси пайдо бўлганидан кейин эса бу ҳужайра ўсма пайдо қилувчи вирус иштирокисиз ҳам кўпаяверади.

Ўсма пайдо қиладиган вирусларнинг қандай таъсир кўрсатиши устида сўнгги йилларда қизиқарли текширишлар олиб борилди. Масалан, нормал ҳужайраларни полиома вирусидан ажратиб олинган, ҳар қандай ҳужайра таркибида бўладиган ва ирсиятнинг моддий асоси ҳисобланадиган нуклеин кислоталар ёрдамида рак ҳужайраларига айлантириш мумкин бўлди:

Л. А. Зильбер, ўсма ҳужайрасидаги нуклеин кислота нормал ҳужайрадаги нуклеин кислоталар билан ўзаро таъсир қилиб, нормал ҳужайра ирсиятини ўзгартиради, деб ҳисоблайди. Нормал ҳужайранинг айнаб, ракка айланиши ўша ҳужайра ирсий аппарати шикастлашишининг натижасидир.

Ўсмалар вируслардан пайдо бўлади, деган назария тарафдорлари кимёвий моддалар ва физик таъсирлар ёрдамида ёмон сифатли ўсмаларни ҳосил қилиш мумкинлигини илгари жонланмай турган вирусларнинг шутаъсирлар туфайли актив ҳолга келиб қолишига боғлиқ, деб тушунтиради. Баъзи вирусолологлар эса, кимёвий ва физик факторлар нуклеин кислотага бевосита таъсир кўрсатмасдан, балки бошқа ҳужайра системаларини шикастлантиради ва шундай йўл билан уларни ёмон сифатли ўсмаларнинг пайдо бўлишига ҳозирлаб қўяди, бошқача айтганда, кимёвий ва физик факторлар рак пайдо бўлиши учун замин тайёрлайди, деган фикри баён этади.

Маълумки, организмга нурлар таъсир қилганида ҳам ўсмалар пайдо бўлиши мумкин. Рентген нурлари кашф этилганидан сўнг орадан олти йил ўтгач, рентген трубкаларини тайёрлайдиган одам терисида ўсма пайдо бўлди, деган хабар тарқалди. Дарҳақиқат, рентген нурларидан медицинада фойдаланиш эндинга расм бўлиб келаётган кезларда рентгенолог-врачлар қўли терисига нурларнинг узлуксиз таъсир қилиши, кўпинча, тери рақи пайдо бўлишига олиб келар эди.

Жаҳондаги кўпгина лабораторияларда радий, радиоактив стронций, уран, торий, плутоний ва бошқа радиоактив моддалар ёрдамида каламушлар, сичқонлар ва қуёnlарда ёмон сифатли ўсмалар ҳосил қилиниди. Йирик совет онкологи Н. Н. Петров маймунларга радиоак-

тив моддалар юборилганидан кейин орадан 8—10 йил утгач уларнинг суюгида ўсмалар ҳосил қилишга муваффақ бўлди.

Америка Қўшма Штатларида соат циферблатларига радийли люминесцент бўёқлар берувчи ишчи аёлларда суюк ўсмалари пайдо бўлгани аниқланган. Бунинг сабаби шундаки, мазкур ишчилар бўёқли мўйқаламларни сўлаклари билан ҳуллаганлар, бу эса радиоактив моддаларнинг уларнинг организмига тушишига олиб келган.

Атом қуроли синовлари ҳам инсон организмига жуда ёмон таъсир кўрсатади. Чунки бундай синовлар вақтида атом қуролидан кучли радиоактив нурлар чиқади.

1945 йили Нагасаки ва Хиросимада атом бомбаларининг, 1954 йили Бикини оролида водород бомбасининг портлатилишидан кейин инсоният тарихида мудҳиш доф қолдирган ҳодисалар атом қуролининг тирик организмига нечоғлик ҳалокатли таъсир кўрсатишини амалда яққол кўрсатди. Дарҳақиқат, атом бомбаси портлатилганидан кейин Хиросима билан Нагасаки шаҳарларининг ахолиси орасида ёмон сифатли кам қонлик касаллиги билан оғриган кишилар сони бениҳоя кўпайиб кетди ва ҳамон кўпайиб бормоқда.

Турли мамлакатлар олимларининг талайгина текширишлари ва Японияда атом бомбалари портлатилиши оқибатларини ўргангандан япон олимларининг катта тажрибаси шуни кўрсатади, атом қуроли портлагандан сўнг ёғадиган ёғинилар вақтида тушадиган радиоактив зарралар ўпка, ҳазм органлари ҳамда терига бенистисно таъсир этади ва бу таъсир узоқ вақт давом қилганида уларда ёмон сифатли ўсма пайдо қила олади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги бутун прогрессив инсоният СССР, АҚШ, Англия ва бошқа давлатлар ҳукуматлари томонидан имзоланган ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини зўр мамнуният билан қарши олдики, бу ўз-ўзидан равшандир.

Бундан ташқари, ўсмалар кўигина факторларнинг таъсири остида келиб чиқади, деган нуқтан назар ҳам бор. Бу нуқтан назар тарафдорлари тирик организм тўқималарига кимёвий моддалар, физик ва биологик агентлар узоқ вақт таъсир кўрсатиши натижасида рак пайдо бўлганидан далолат берувчи талайгина кузатишларга асосланадилар. Улар, рак пайдо бўлишида фақат гина вирус роль ўйнайди, деган фикрин никор этадилар.

Ер шарининг бирор қисмида ракнинг айрим хили күпайишига қандай шарт-шароитлар йўл очишини урганган врачлар ёмон сифатли ўсмаларнинг у ёки бу шароитда ўзига хос тарзда тарқалганини кўрсатиб утадилар. Масалан, Бирлашган Араб Республикасида кўпроқ қовуқ раки учраса, Африка мамлакатларида эркаклар орасида аксари бирламчи жигар раки ва кўкрак бези ўсмалари учрайди. Америка Қўшма Штатлари ва Скандинавия мамлакатларида эса ҳозир ўпка раки, Ҳиндистонда оғиз бўшлиғи раки кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Хўш, Африка қитъасида яшайдиган эркаклар орасида жигар ва кўкрак бези раки кўпроқ учрашининг боиси нимада? Олимлар буни мазкур қитъадаги мамлакатларда оқсили кам овқатлар истеъмол қилиш расм бўлганлигидан деб ҳисобламоқдалар. Дарҳақиқат, овқатда оқсил бўлмаслиги, кўпинча, цирроз деган жигар касаллигига сабаб бўлади. Жигар эса организмга овқат билан бирга кирган кўнгина кимёвий моддаларни ҳамда ички секреция безлари (гипофиз, буйрак усти безлари, жинсий безлар) ишлаб чиқарадиган биологик актив моддаларни заарисизлантирадиган орган булиб, агар овқатда оқсил бўлмаса, у ўзгаришга учрайди ва ўша моддаларни заарисизлантиrolмай қолади. Заарисизлантирилмай қолган биологик актив моддаларнинг бир қисми кўкрак безлари ракининг пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Меъда-ичак йўли раки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида анча кенг тарқалган ўсма касалликларидан бири ҳисобланиб, бу касаллик, афтидан, овқат тайёрлаш технологияси, овқатнинг таркиби ва температурасининг баъзи таъсирларига алоқадор бўлса керак.

Кейинги йилларда кўпгина мамлакатлarda ўпка раки кўпайганлиги маълум бўлиб қолди. Бу касалликнинг пайдо бўлиши чекишга (айниқса кўп чекишга) маълум даражада боғлиқ деб ҳисобланади.

Ёмон сифатли ўсмалар кўпроқ 45—60 ёшлардаги одамларда пайдо бўлади. Лекин, ўсмаларнинг баъзи турлари одамнинг маълум ёшида вужудга келади. Масалан, суюк ўсмалари кўпинча 15—25 ёшлардаги одамларда кузатилади, баъзи буйрак ўсмалари болаликда, простата бези ўсмаси эса 70 ёшдан ошган кишиларда учрайди.

Шуни эътироф этиш керакки, эркаклар ёмон сифатли ўсмалар билан хотин-қизларга инсбатан кўпроқ оғ-

рийдилар. Уларда, масалан, ўпка, ҳиқилдоқ, қовуқ, пастки лаб ва тил раки хотин-қизлардагига қараганда күпроқ күзга ташланади. Жинсий органларнинг ўсмалари эса, аксинча, хотин-қизларда әркаклардагига қараганда 40 баравар ва ундан ҳам күпроқ кузатилади.

Рак одамда наследан-наслуга үтадими?

Медик олимлар, ёмон сифатли ўсмаларнинг күпчилиги наследан-наслуга үтмайди, деб ҳисоблайдилар. Шуни назарда тутиб айтиш мумкини, ўсма билан оғриган күпгина аёллардан туғилган болалар орасида учрайдиган ёмон сифатли ўсмалар ота-онаси соғлом болалар ўртасида учрайдиган ўсмалардан күп бўлмайди.

Модомики, олимлар баъзи ўсмалар вируслар туфайли пайдо бўлади, деб ҳисоблар эканлар, ракнинг юқиши юқмаслиги хусусида нима деса бўлади? Неча юз йиллар мобайнида медицина илми тўплаган тажрибалар ракнинг юқмаслигидан далолат беради. Айни шу маънода айтганда, онкология муассасаларида ишловчи врачлар, ҳамширалар ва санитарлар рак билан оғрийдиган бўлса, бошқа касб эгаларидан кўра күпроқ оғримайди.

Рак касаллиги билан оғриш ҳоллари ҳозир камайиш ўрнига кўпаймоқда деса бўладими?

Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам рак жуда камдан-кам учрайдиган касаллик эди, деб нотўри ўйлайдиган одамлар ҳам йўқ эмас.

Чиндан ҳам шундаймикин?

Кўпчилик совет онкологлари, рак билан оғриш ҳолларининг бир қадар кўпайгани умрининг узайганлигига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий фамхурликлари, совет кишилари сиҳат-саломатлигини қўриқлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида Совет ҳокимияти-йилларидан мамлакатимизда сил билан оғриш ҳоллари ва болаларнинг ўлиши анча камайди, талайгина юқумли касалликлар батамом битирildи. Буларнинг ҳаммаси бизнинг жонажон Ватанинмизда киши умрининг икки баравардан зиёд узайишига олиб келди. Айни вақтда рак касаллиги яхшироқ аниқланадиган бўлиб қолди. Ҳудди мана шу фактнинг ўзи ҳам рак касаллигининг күпроқ маълум бўлаётганига бир сабабдир.

Ёмон сифатли ўсмалар тўғрисида юқорида айтиб ўтилганлардан мазкур касалликка қарши курашда му-

ҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча хуносалар келиб чиқади. Гарчи бутун дунёдаги олимлар ёмон сифатли ўсмаларнинг ҳамма хилига нималар сабаб бўлишини шу кунгача ҳали аниқ айтиб беролмаган бўлсалар-да, мавжуд фактлар нормал ҳужайраларнинг ўсма ҳужайраларига айланишига сабаб бўладиган мураккаб процессларнинг муҳим томонларини анча яхши билиб олишга имкон беради. Ёмон сифатли ўсмаларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган ёки шароит туғдирадиган баъзи сабабларни яхши билиб олиш эса, бир қатор ҳолларда ёмон сифатли ўсмаларнинг олдини олиш учун имконият яратади. Шу муносабат билан ташқи муҳитнинг одамларга зарарли таъсиrlарини бартараф қилиш бу касалликларга қарши курашнинг энг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ўсма пайдо бўлишига олиб келадиган касалликларни ўз вақтида ва бекам-кўст даволаш ҳам ёмон сифатли ўсмаларнинг олдини олишнинг муҳим шартлари жумласига киради.

Олимларнинг турли мамлакатларда олиб борган қатор тажрибалари, шунингдек ёмон сифатли ўсмалар билан оғриган беморлар устида ўtkазилган клиника кузатишлари, соглом организмда ҳеч қачон ёмон сифатли ўсмалар пайдо бўлмаслиги узил-кесил исботланган деб, айтишга имкон беради. Бундай ўсмалар пайдо бўлишидан анча олдин маълум бир орган ва тўқимада маҳаллий ўзгаришлар содир бўлади, жумладан организмнинг ўзида моддалар алмашинуви бузилади. Бироқ ёмон сифатли ўсма албатта бирор ўзгариш ёки касалликдан кейин бошлангани билан бу ўзгариш ёки касалликнинг ўзи ҳамиша рак билан тугалланавермайди.

Рак ўсмаси нормал тўқимадан нима билан фарқ қиласиди?

Маълумки, одам ва ҳайвонлар организми фақат микроскоп билан кўринадиган жуда майда ҳужайралардан ташкил топган бўлиб, улар катта-кичиклиги ва шакли жиҳатидан хилма-хилдир.

Қандай бўлмасин бирор тарзда тузилган ва аниқ бир вазифани бажарадиган ҳужайралар маълум бир тўқимани ташкил қиласиди. Эпителиал тўқима деб аталувчи тўқима одам баданини бошдан-оёқ қоплаб туради. Бу тўқима бир-бирига зич тақалган ҳужайралардан иборат бўлади. Буруп, қизилўнгач, меъда ва бошқа бир қанча

органлар бўшлиғини қоплаб турадиган шиллиқ парда ҳам ана шу эпителиал тўқимадан ташкил ғопади.

Ҳар бир органда кўпинча бир неча хил тўқима бўлади. Нормал тўқима ва органларнинг тузилиши ҳамиша уларнинг бажарадиган ишига мос келади. Бирор орган ишини кучайтириш зарурати туғилганда, уша органдаги ҳужайралар анча зўр бериб кўпайиши мумкин. Масалан, ҳомиладорлик даврида сут безида шундай кўпайиш содир бўлади. Лекин зарурат қолмаганидан сўнг эса, ҳужайралар кўпайишдан тўхтайди. Бунинг натижасида уларнинг асосий сони яна камаяди.

Ҳужайралар кўпайган вақтда уларнинг ҳар бири иккига бўлиниш йўли билан кўпаяди, бошқача айтганда, ҳужайра дастлаб иккига бўлиниди, янги ҳосил бўлган мазкур икки ҳужайранинг ҳар қайсиси яна иккига бўлиниди ва ҳоказо. Вояга етган одам организмида ҳам кўпгина тўқималарнинг ҳужайралари бўлиниши мумкин. Бироқ, нормал органларда бу ҳодиса одатда табиий развишда камайган ҳужайраларнинг ўрнини тўлдириш зарур булиб қолган пайтдагина юзага келади. Масалан, тери эпителийсининг чуқур жойлашган ҳужайралари юза қатламдаги ҳужайралар шохланиб кўчиб тушган сари тез кўпайиб боради. Нормал тўқимани ташкил этган ҳужайралар организмнинг заруратига қараб кўпаяди. Ҳужайраларнинг кўпайиш процессларини организмнинг ўзи идора қилиб туради.

Ёмон сифатли ўсмаларда ҳужайралар нормал тарзда кўпаймасдан, ҳадсиз-ҳисобсиз кўпаяверади, айни вақтда уларнинг тузилиши, биокимёвий ва физик хоссалари ўзгариб кетади. Ҳужайралар тез кўпайгани туфайли ҳужайра тўпламлари пайдо бўлади. Худди ана шу ҳужайра тўпламлари ўсма деб айтилади.

Ўсмалар икки хилга: ёмон сифатли ўсмалар ва яхши сифатли ўсмаларга бўлинади.

Яхши сифатли ўсмалар атроф-теварагидаги нормал тўқималардан аниқ-равшан чегараланиб туради. Бу ўсмаларнинг ҳужайралари баданнинг бошқа қисмидаги органларга тарқалмайди. Улар одатда секин ўсади. Яхши сифатли ўсмалар ана шундай хоссаларга эга бўлгани учун, одатда, ҳаёт учун хавф тугдирмайди, лекин улар баъзида, масалан, бош мияда пайдо бўлсалар, ҳаёт учун муҳим органлар фаолиятини издан чиқариб қўйишлари ҳам мумкин.

Ёмон сифатли ўсмалар яхши сифатли ўсмаларга қа-

рама-қарши ўлароқ, тез ўсади ва атроф-теварагидаги тұқималарга ҳам ўсиб кириб, уларни смиради. Ҳатто организмга катта зарар етказиб, органдардаги нормал ҳужайраларнинг нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Тажрибалар жараёнида шу нарса аниқланганки, ёмон сифатли ўсмаларнинг тез ўсиб келаётган ҳужайралари озиқ моддаларига жуда муҳтоҷ бўлади, шу сабабли улар, биринчидан, қон томирлари орқали келадиган моддалар хилига ва, иккинчидан, нормал ҳужайраларнинг нобуд бўлиши натижасида юзага келадиган маҳсулотларнинг хилига қараб ҳар хил тузилишга киради. Ўсмаларда томирларнинг ҳосил бўлиши процесси уларнинг ўсиб боришига улгуромай қолади, шунда ўсма марказидаги ҳужайралар ўла бошлиди (некроз), улар емирилганида ажralиб чиқадиган заҳарли моддалар эса организмга ўгади. Бу, беморнинг чўпдек озиб, жуда ҳолдан кетишига олиб боради.

Ўсманинг ўзгариб қолган айrim ҳужайралари ёки ҳужайра тұпламлари ўсмадан узилиб чиқиши ва лимфа ёки қон томирлари системаси орқали танага тарқалиши мумкин. Улар, дастлаб, пайдо бўлган ўсмадан анча олисдаги тана қисмларига бориб ўтириши ва қулай шароитлар бўлганида тез ўсиб кетиши мумкин. Метастазланиш деб аталадиган бу процесс мураккаб биологик ҳодиса бўлиб, у анчагина сабабларга, жумладан, организмнинг умумий ҳолатига боғлиқдир.

Ёмон сифатли ўсмалар, қай хилдаги тұқималардан пайдо бўлганига қараб, бир неча асосий турга бўлинади. Бордию улар эпителиал тұқимадан юзага келган бўлса, рак деб, құшувчи тұқимадан (сүяқ ва мускуллардан) пайдо бўлган бўлса, саркома деб, пигмент ҳужайраларидан (ҳоллардан) содир бўлган бўлса, меланомалар деб аталади.

Ёмон сифатли ўсмаларнинг баъзи хиллари анча тез ўсиб, орадан кўп вақт ўтмасданоқ организмга тарқалгани ҳолда, бошқа хиллари секинроқ ўсиб, узоқ вақтларгача чекланган ҳолда қолаверади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, рак анчадан бери давом этиб келаётган ҳар хил касалликлар туфайли келиб чиқади. Агар бу касалликлар ўз вақтида аниқланиб, уларга қарши самарали даво чоралари кўрилса, ёмон сифатли ўсманинг олдини олиб қолиш мумкин бўлади. Тажриба текширишлари ва клиника кузатишлари ҳам шуни кўрсатади.

Узил-кесил аниқланган фактларнинг гувоҳлик беришича, нормал тўқималарда ҳеч қачон рак ўсмаси пайдо бўлмайди. Рак пайдо бўлишидан олдин ҳамиша қандай бўлмасин бирор органда муайян ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришларни ўсма олди ўзгаришлари деб айтилади. Масалан, лаб ва тил шиллиқ пардасининг қалин тортиши (оқ доғлар шаклида), тери ва қовуқда юзага келган сўгаллар, меъда ва тўғри ичак шиллиқ пардасида пайдо бўлган полиплар, сут безида вужудга келган қаттиқ тугунлар, яра-чақалар, меъданинг эски яралари, баданинг кўп қисми куйгандан кейин терида қолга ярати ямоқлар ва бошқа хил ўзгаришлар шу ўзгаришлар жумласига киради. Ракдан олдин юзага келадиган ўзгаришлар баъзан туфма бўлади. Масалан, бадаңда бўладиган баъзи ҳоллар маълум шароитларда ракка айлана олади.

Яна такрор уқдириб айтамизки, бутунлай соғлом тўқимада ҳеч қачон рак пайдо бўлмайди, яъни рак унинг пайдо бўлишига йўл очадиган, уни бошлаб берадиган касалликдан кейингина пайдо бўлади. Лекин, бундай касаллик ҳамиша ҳам муқаррар равишда ракка олиб боравермайди. Ракнинг пайдо бўлишига йўл очадиган, уни бошлаб берадиган касаллик ҳар хил муддат давом этади. Катта ёшдаги одамда бу муддат, одатда, 2 йилдан 20 йилгacha ва ҳатто ундан ҳам ортиқроқ вақтгача чузилади.

Организм қанчалик ёш бўлса, ракдан олдин ўтадиган даврнинг шунчалик қисқа бўлиши аниқланган. Бу даврда одамларнинг кўпчилиги ўзини яхши сезади, оғриқ ва дармонсизлик уларни безовта қилмайди. Шунинг учун ҳам улар вақтида врачга учрамайди. Бу ҳол, рак ва бошқа ёмои сифатли ўсмалар тўсатдан пайдо бўлади, деб нотўғри ўйлашга сабаб бўлади. Мамлакатимизда кенг расм бўлганидек, ёши ўттиздан ошган кишиларни мунтазам равишда профилактик текширишлардан ўтказиб туриш, ракка сабаб бўладиган касалликларнинг олдини олиш чораларини билиш ана шу оғир касалликка қарши курашда ижобий роль ўйнайди.

Ракни барвақт аниқлашда ҳар бир одамнинг ўз соғлигини диққат-эътибор билан кузатиб бориши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Қандайдир бирор кўнгилсиз сезги пайдо бўлганда, бирор орган атрофида арзимас оғриқ сезилганда ёки ўрганиш бўлиб қолган сезигилар ўзгаргандан, иштаҳа пасайиб, иш қобилияти камайганда,

бекордан-бекор йўтал тутиб юрганда бепарво бўлиш ярамайди. Чунки бу аломатлар пайдо бўлиб келаётган рак ўсмаси туфайли келиб чиқсан бўлиши мумкин. Одамнинг ўз соғлиғига доимо диққат-эътибор билан қараши ва врачга ўз вақтида кўриниб туриши — ракчинг олдини олишнинг энг яхши чорасидир.

Ёмон сифатли ўсмаларнинг олдини олиш чоралари уларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган касалликларга бекаму-куст даво қилишдангина иборат бўлиб қолмай, балки, уша касалликларнинг олдини олиш, уларнинг пайдо бўлишига йўл очадиган шароитларни бартараф қилишдан ҳам иборатдир.

Ёмон сифатли ўсмаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган шароитлар хилма-хил бўлади ва одам организми учун турлича аҳамият касб этади. Уларнинг қандай аҳамиятга эга бўлиши одамнинг турмуш шароитларига, одатларига, қиладиган меҳнатининг хилига, шунингдек юриш-туришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мамлакатимизнинг турли районларида аҳолининг ўзига хос одатлари борки, мазкур одатлар ҳам ракнинг пайдо бўлишига йўл очиши мумкин. Масалан, Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси орасида носвой чекишдек заарали одат мавжуд. Айтиш керакки, носвой тамаки, кул ва оҳак аралашмасидан иборат бўлиб, у оғизнинг шиллиқ пардасини сурункасига таъсирлайди ва оғиз туби ҳамда тил ракига сабаб бўла олади. Лекин, афсуски, буни ҳамма ҳам билавермайди.

Статистика маълумотларига қараганда, ўпка раки чекувчи кишилар орасида чекмайдиган кишилардагига қараганда 3—4 баравар купроқ учрайди. Эркакларнинг наша чекини, хотин-қизларнинг сақиҷ чайнаши сингари заарали одатлар ҳам ёмон сифатли ўсмалар пайдо бўлишига шароит туғдиради. Бундай заарали одатлар йилдан-йилга йўқолиб бораётган бўлса-да, айrim қолоқ кишилар орасида ҳамон онда-сонда учраб туради.

Ичкилик ичиш, овқат ва чойни жуда иссиқ ҳолда ебичиши ҳам оғиз бўшлифи, қизилўнгач ва мейдада касалликка хос ўзгаришларнинг келиб чиқишига йўл очишини асло унутмаслик керак.

Ракка қарши курашда овқатланиш режими ҳам катта роль ўйнайди. Чунончи, аччиқ қалампирни кўп ишлатиш ва кечаси ётиш олдидан тўйиб овқат ейиш ярамайди. Сут бези ва бачадон бўйни ракининг пайдо бўлишида аёлларнинг гигиена қоидаларига нечоғлиқ

тұғри амал қилиши катта аҳамият қозонади. Құп туғиб болан күкрап билан боқиши, шунингдек abortдан ҳоли бўлиш сут бези касалликларига йўл қўймайдиган шароитлардан ҳисобланади.

Хозирги вақтда аҳолининг онги ва маданий савияси бекиёс ошган бўлса-да туғруқхоналарга бориб туғиши зарурлигини ҳали аёлларнинг ҳаммаси ҳам яхши тушувавермайди; агар аёл туғруқхонадан ташқарида туғадиган бўлса, кўпинча, турлича асоратларга, масалан, туғруқ вақтида бачадон бўйнига шикаст етиши каби асоратларга дучор бўлади. Ана шундай пайтда тегишли медицина ёрдами берилмаса, уша жароҳат ўрнида вақти келиб рак пайдо булиши мумкин. Шуни назарда тутиб, аёллар гинеколог врачга вақти-вақтида кўриниб туришлари, уйда туғиши одатига барҳам беришлари зарур. Фақат шундагина она билан бола соғ-саломат бўлади.

Қариган чоғда организмнинг путурдаи кетиши ҳам одамни рак пайдо бўлишига мойил қилиб қўяди. Физкультура билан шуғулланиш, тўйимли овқатлар билан вақтида овқатланиш, ичкилик ичиш ва чекишдан воз кечиш, шахсий гигиена қоидаларига қаттиқ амал қилиш — буларнинг ҳаммаси ёмон сифатли ўスマларнинг олдини олишга ёрдам берадиган асосий чоралар жумласига киради.

Ракининг пайдо бўлиши ҳақиқатай ҳам турли-туман сабабларга боғлиқ экани юқоридаги маълумотлардан аниқ кўриниб турибди. Уша сабабларнинг кўпчилигини бартараф этиш ёки жуда камайтириш мумкин. Чунончи, асримизнинг йигирманчи йилларида Англия тўқувчилари орасида уларнинг касбига боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган рак сабаблари текшириб кўрилди. Тўқимачилик фабрикаларida станокларга суриладиган минерал мойнинг канцероген хоссалари борлиги аниқланди. Канцероген минерал мойлар безарар навлар билан алмаштирилганидан кейин эса тўқимачиларда касбга алоқадор рак йўқолиб кетди.

Бизнинг мамлакатимизда барча корхона, муассаса, колхоз ва совхозларда иш шароитининг одам соғлиғига қандай таъсир қилишини текширишга айниқса катта эътибор берилмоқда. Масалан, турли ёқилғи маҳсулотлари билан атмосферанинг ифлосланишига қарши умумдавлат миқёсида кураш олиб борилмоқда ва саноат марказларида ҳавони тозалаш чоралари кўрилмоқда.

Демак, ҳар бир одам ўзини ракдан сақлаши учун шахсий гигиена, овқатланиш ва меҳнат гигиенаси қоидаларига мунтазам амал қилиши зарур. Физкультура ва спорт билан доим шуғулланиб туриши керак.

Ўсмаларга олиб борадиган касалликларни вақтида аниқлаб, уларни даволаш, шунингдек турмуш ва ишлаб чиқаришда бундай касалликларни вужудга келтирадиган шаронитларни йўқотиш — ёмон сифатли ўсмалар олдини олишнинг асосий чорасидир. Ёмон сифатли ўсмаларга олиб борадиган касалликларни, шунингдек эндигина пайдо бўлиб келаётган ўсмаларни аниқлашда эса аҳолини вақт-вақти билан оммавий суратда профилактик медицина текширишларидан ўtkазиб туриш катта аҳамиятга эгадир.

Давонинг қанчалик яхши шифо бериши кўпчилик ҳолларда врачга барвақт мурожаат қилишга боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутиш керак. Шундай қилиш ракни илик пайтида билиб олишга ёрдам беради ва бунинг натижасида уни операция йўли билан ёки нур билан яхши даволаш мумкин бўлади.

Профилактик чора-тадбирларнинг яхши натижа беришида кенг меҳнаткашлар оммасининг ракнинг асосий турлари ва пайдо буладиган жойлари тўғрисида маълум тушунчага эга бўлиши ҳам ғоят муҳимdir.

**Одамда учрайдиган баъзи рак турларининг олдини олиш чоралари.** Оғиз шиллиқ пардаси билан тилнинг ўсмага олиб келадиган касалликлари ҳар хил шаклда: оқ дўмбоқчалар (лейкоплакиялар), чекланган ғуддалар, чақа-ёриқлар, одатда оғримайдиган яралар шаклида бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси, кўпинча, қуртлаган тишлардан ёки ишдан чиққан тиши протезларининг ўтқир қирраларидан шикастланган жойларда пайдо бўлади. Улар гигиенанинг оғизга қараб туришга тааллуқли барча қоидаларига амал қилмайдиган кишиларда вужудга келади. Бундай ўзгаришлар носвой чекишдан ҳам рўй беради. Нос оғизнинг нозик шиллиқ пардасини таъсиrlаб, шикастлантиради. Ҳадеб нос чекавериш натижасида тил остидаги, оғиз бўшлигининг тубидаги шиллиқ парда қалин тортиб, оқиш дўмбоқчалар, баъзан майдамайдан яралар пайдо бўлади. Булар ўсмадан олдин вужудга келадиган процесслар бўлиб, одамини бир неча йилларгача унчалик безовта қилмаслиги мумкин, аммо шиллиқ парданинг ўзгаришга учраган қисмлари баъзан анча қаттиқ тортади ва бир печа

вақтдан кейин чети қаттиқ ярага айланади — бу энді ракнинг айни үзгинаси бўлиб, вужудга келган рак ўсмаси тез ўсади ва қўшни қисмларга ёйлади.

Одатда рак 5—20 йил мобайнида нос чекиб юрилгандан кейин пайдо бўлади.

1944 йили Ўзбекистонда 5—10 йилдан бери нос чекиб юрган 2 минг кашандা текшириб кўрилди, шулардан 57 кишида оғиз бўшлиғи раки топилди.

Ушбу мисолдан яққол кўриниб турибдики, ўсмадан олдин пайдо бўладиган процесслар, ундан кейин ракнинг вужудга келиши ҳам муайян тана қисмининг, хусусан оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг кучсиз, аммо тез-тез таъсиrlаниб туришига ва қисман шикастланишига боғлиқдир.

**Меъда раки.** Меъда раки ракнинг энг кўп учрайдиган хилидир. Беморлар устида олиб борилган кундалик тузатишлар шуни кўрсатдики, овқатланиш меъёрининг қандай бўлмасин бирор тарзда бузилиши меъдада маълум касалликларнинг авж олишига, бунинг натижасида ёмон сифатли ўсмаларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Овқатланиш меъёрининг бузилиши эса ейиладиган овқатнинг миқдори ва сифатига, тайёрланиш усулига (масаллиқларни дудлаш, қаттиқ қовуриш, ортиқча доривор солишга) алоқадор бўлиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларнинг ҳаммаси меъдада сурункали касалликларнинг авж олишига йўл очади. Демак, меъда ракининг олдини олишда овқатланиш режимига амал қилиш ва сурункали касалликларни тўғри ва ўз вақтида даволаш энг муҳим чора ҳисобланади.

Меъда-ичак йўли касалликларини барвақт аниқлаш учун мамлакатимиз медицинаси практикасида одамларни поликлиника ва касалхоналарда синчиклаб текшириш кенг йўлга қўйилган. Бу, турли меъда касалликларини вақтида аниқлаб олишига имкон бермоқда.

**Сут бези раки.** Сут бези раки аёлларда кузатиладиган ракнинг энг кўп учрайдиган хили бўлиб, бу хилдаги рак турлича сабабларга кўра келиб чиқади. Чунончи, сут безининг йирингли яллиғланиши ёки қаттиқ лат еб, унинг тўқимаснига қон қўйилиши ракка мойил-қилиб қўяди.

Сут бези раки яхши сифатли ўсмадан (фиброаденомадан) ёки сут безининг ракка ҳеч қандай алоқаси бўл-

маган бошқа касалликларидан ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Сут бези ракига сабаб бўла оладиган яхши сифатли касалликларга биринчи навбатда мастопатиялар деб аталадиган касалликлар киради. Mastopatиялар суг бези тўқимасининг ҳар ер-ҳар еридан қаттиқлашиб қолиши, пайпаслаб кўрилганида, хусусан, ҳайздан олдин ва ҳайз вақтида безиллаб туриши билан таърифланади.

Аниқланишича, бола кўрмаган ва кўкрак бериб бола эмизмаган аёлларнинг сут бези рак билан туқсан ва кўкрак бериб бола боқсан аёлларга нисбатан кўпроқ касалланади. Шунингдек сут безларида abortдан кейин, хусусан қайта-қайта қилинган abortлардан кейин ҳам ўсмалар пайдо бўла олади. Шундай экан, аёл киши ўзи нинг сут безида андак бўлсада бирон ўзгаришни кўрса ва хусусан унинг бирор қисми қаттиқлашиб қолгудек бўлса, дарҳол врачга учраши керак.

Бачадон бўйни раки кўпинча бачадон бўйни шиллиқ пардасида юзага келадиган яра-чақалар ўрнида пайдо бўлади. Бундай яра-чақалар (эрозиялар), одатда, яллиғланишга оид касалликлардан кейин юзага келади.

Бачадон бўйни эрозиялари мустақил касаллик бўлмай, балки қандайдир бирор касалникнинг оқибати ҳисобланади. Бачадон бўйнининг шикастланиши (ёрилиши, йиртилиши) эрозиялар пайдо бўлишига олиб бора ди. Гоноррея ва таносил органларидан сув келиб туриши билан бирга давом этадиган бошқа касалликлар яллиғланишга оид касалликлар жумласига киради. Таносил органларидан чиқадиган сув бачадон бўйни шиллиқ пардасининг юмишаб, кучиб тушишига сабаб бўлади, натижада яра-эрозия юзага келади.

Демак, сурункали касалликларга, туғруқقا алоқадор яра-жароҳатларга қарши ўз вақтида даво чораларини қўллаш аёлларнинг жинсий органлари раки олдини олишда энг муҳим тадбир саналади.

Кўп чанг чиқадиган, шунингдек ҳар хил кимёвий моддалар терига таъсир қилиб турадиган корхоналарда ишлайдиган одамларда тери раки пайдо бўлишига йўл очадиган касалликларнинг олдини олиш учун системали равишда профилактик тадбирларни амалга ошириш, яъни қўл ва баданин совун билан иссиқ сувда тез-тез ювиб туриш керак. Агар баданининг бирор жойи ёрилса ёки экзема пайдо бўлса, тўғри ва малакали даво олиш учун дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим. Бордию

түфма ҳоллар, полипсимон ўсимталар ва сўгаллар андак катталашадиган ёки ёрилиб, ярага айланадиган бўлса, тезда хирургга учраб, олдириб ташлаш зарур. Қорамтир-қўкиш холларни эса, ўсиб, яра бўлишини кутиб ўлтирумасдан кестириб ташлаш даркор. Одам иш вақтида кўп вақт офтобда юрадиган бўлса, юзини офтобдан яхши пана қилиб турадиган кенг соявонли шляпа кийиб олиши лозим.

Совет медицинаси ракни барвақт аниқлаб олиш ва уни даволашда катта-катта муваффакиятларни қўлга киритган экан, касаллик гумон қилингандага дарҳол врача мурожаат қилиш — ҳар бир одамнинг сиҳат-саломат бўлиши учун ишончли гаровдир.

Турли органлар ракининг дастлабки белгилари қандай бўлади? Эндинга бошланиб келаётган рак қай тариқа ривожланмасин, одагда, оғриқ сезгиларини келтириб чиқармайди. Шунинг учун касалликнинг дастлабки белгилари bemорга арзимас нарсадек кўринади ва у уша белгиларга уича аҳамият бермайди. Беморнинг ўз вақтида врача бормай, кўпинча касаллик вақтидан ўтганидан кейин бориши ҳам шу билан изоҳланади.

Ракнинг белгилари ўсма қаерда пайдо бўлганига қараб ҳар хил бўлади.

**Қизилўнгач раки** одатда ёши 50 дан ошган одамларда учрайди. Эркаклар буидай рак билан хотин-қизларга қараганда тўрт баравардан кўпроқ оғрийди. Касаллик ютишнинг қийинлашиб қолиши билан бошланади. Овқат луқмаси қизилўнгачдан ўтар экан, тўхталиб-тўхталиб қолади, олдинига қаттиқ овқат ютилганида, кейинчалик эса юмшоқ овқат ютилганида ҳам шундай ҳодиса рўй беради. Овқат луқмасининг қизилўнгачда тўхталиб қолиши ҳиқиҷоқ тутишига, кекиришга, баъзан кўкрак ва тўш остиининг оғриб туришига ҳам сабаб бўлади.

**Меъда раки.** Меъда ракининг энг илк белгиларидан бири иштаҳанинг айниб қолишидир. Бунда bemорлар кўпинча овқатдан лаззат топмайдилар, баъзида эса уларнинг кўнгли овқат кўтармай қолади. Овқат ейилганидан кейин тўш ости соҳасида ёқимсиз сезгилар пайдо бўлади: қорин дам бўлиб, шишгандек туйилади, симиллаб оғриб туради. Меъда раки билан оғриган bemорлар кўпинча тез чарчайдиган, ўзидан-ўзи тинка-мадори қурийдиган бўлиб қолади ва меҳнат қобилиятини йўқотади, териси оқариб, ўзи озиб кетади. Меъданинг бошқа касалликларида ҳам худди шундай белгиларни кўриш

мумкин. Бүндай белгиларни үзіпда сезган одам дарҳол врачға мурожаат қилиши зарур.

**Ҳиқилдоқ раки.** Ҳиқилдоқ ракининг келиб чиқишида ҳиқилдоқнинг сурункали касалликлари катта роль үйнайды. Ҳиқилдоқ раки томоқнинг қичишиб, ачишиб туриши ёки томоққа бир нарса тиқилгандек булиб, йұтал құзишидан бошланади. Овознинг доим хириллаб юрнеші, ютиш вақтида баъзи-баъзида томоқнинг сал-сал оғриб туриши мазкур касалликнинг белгиси ҳисобланади. Хусусан ёши қайтиб қолган одамлар оғримай-нетмай, үз-үзидан анча вақтгача овози хириллаб юрса, дарҳол қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари врачига учраб, текширтиришлари керак.

**Бачадон раки.** Бачадон раки дастлабки даврларда на оғриққа сабаб бұлади ва на хотин-қизларнинг диққат-әзтиборини үзиге тортадиган бирон бошқа характерли белгиларни келтириб чиқаради. Ҳайзниң вақтидан үтиши, хусусан қон аралаш сұв келиши бу касалликнинг дастлаб күзге ташланадиган белгилари сапалади. Ҳар бир аёл қандай бұлмасын бирор хил сұв келаётганини пайқаганида, шунингдек ҳайз бошқача булиб қолганида, үзини гарчи соғлом сезиб, ҳеч қандай оғриқ сезмаса-да, дарҳол врачға мурожаат қилиши талаб этилади.

**Сут бези раки.** Сут бези раки күпинча 40—50 ёшлардаги аёлларда, баъзан ёшроқ хотинларда ҳам учрайди. Ҳомиладорликни вақтидан илгари тұхтатиш, яғни аборт қылдырыш сут бези ракининг келиб чиқиши ва авж олишида катта роль үйнайды. Ракнинг бу хили, күпинча, сут безининг ҳар ер-ҳар ерда қаттиқлашиб қолган жойлауда пайдо бұлади. Баъзи ҳолларда безнинг учидан үз-үзича ёки сал босиб күрилганды қон селига үшаш суюқлық чиқади. Қасалликнинг ана шундай белгиларидан биронтаси күринганида тездан врачға учраш талаб қилилади.

**Тери раки.** Тери раки, одатда, ёши қайтиб қолган кишиларда, аксарият іздә, бурун қанотларыда, бурун билан лаб орасидаги бурмада, күз қовоқларыда ва оғиз бурчакларыда күзге ташланади. У куюк яра, жароҳат, ҳа деганда битмайдын ёриқлар, яралар ва оқма яралардан қолган эски чандиклар үринде пайдо бұлиши мумкин. Түфма холлар ва сұгаллар ракка айланғанида улар катталашади, яра бұлади ва қонаиди, күпинча беziллаб турадын булиб қолади.

**Тери меланомаси.** Тери меланомаси меланома деган бүёқ моддаси, яъни пигмент ишлаб чиқара оладиган ўсмадир, шунга кўра у тўқ рангли бўлади. Меланома туғма ёки турмушда ортирилган пигментли доғлардан ёки нимранг доғлардан вужудга келади. Тери меланомаси ҳар қандай ёшда ҳам учрай олади. Ёмон сифатли меланома билан оғриган беморларнинг ярмига яқини, касаллик пигментли дод ёки хол зарб еганидан кейин — тирналгани ёки уриб олинганидан кейин бошланди, деб айтади.

Рангли «сугал» ёки холни ҳар кимнинг ўзи олиб ташлаши, кесиши ёки боғлаб қўйиши мутлақо ярамайди. Тез-тез шикастланиб турадиган холларни хирург ҳузурига бориб бутуслай олдириб ташлаш, операциядан олдин эса косметик мақсадларни кўзда тутиб, мутахассис одам, яъни онколог билан маслаҳатлашиш тавсия қилинади.

Эндигина авж олиб келаётган ёмон сифатли меланомаларнинг дастлабки белгилари қўйидагича:

Доғнинг ранги тўқроқ ёки очроқ бўлиб қолади-да, ўзи дағаллашади ва катталашади, атрофи қизариб, шўъласимон шаклда бўртиб туради, баъзан эса ўша доғ яқинидаги лимфа тугунлари катталашиб қолади. Катталашган пигментли доғ ёнида майдамайдада тугунлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу тугунлар рангли ёки баъзан рангиз бўлади. Меланомалар хирургик йўл билан ёки нур билан даволанади.

Баданинг бирор жойида сугал, доғ, нор, ўсма ва яра пайдо бўлса ёки баданинг бирор жойи ёрилиб юрадиган бўлса ёҳуд бошқа бирор тарзда ўзгарса, врача га кўрсатиш керак. Сугалларни, хусусан, қора сугалларни ип билан боғлаб қўйиш мутлақо ярамайди. Терида қандайдир бирор ўзгариш кўринганда уни даволайман деб врач маслаҳатидан ташқари турли дорилар, масалан, ляпис ва тўтиё эритмаси билан кўйдириш, унга мой дори ёки бошқа нарса қўйиш тавсия этилмайди.

**Ўпка раки.** Ўпка раки, асосан, 40—60 ёшлардаги эркакларда учрайди. Қўп чекиш ва броихларнинг сурӯйкасига яллигланиши ўпка ракининг вужудга келишига йул очади.

Ўпка ракининг илик белгиси — узоқ тутадиган қуруқ ўтталадир. Бундай ўттал ҳадеб тутавериб, одамни жуда бесарамжон қиласи. Кейинчалик шилимшиқча ўхшаш суюқ балғам кўчиб чиқади. Балғамда, кўпинча, қон пай-

до бұлади. Баъзан йұтал тутганида оғриқ ҳам туради. Бундай ҳолларда үпкани текширтириш учун тезда врача күриниш керак.

**Тұғри ичак раки.** Тұғри ичәк раки ёши қайтиб қолган одамларда күпроқ учрайдиган касаллик бұлиб, у ёшларда ҳам күзга ташланади. Орқа тешикнинг ачишиб оғриб туриши, унда ёт нарса бордек бұлиб туюлиши, тез-тез ҳожатга борилгани билан ҳадеганда ич келавер-маслиги, ҳожат вақтида оғриқ туриши, чаноқнинг ичкарисида ҳамиша оғриқ сезилиши, ахлатда ялқұф билан қон бұлиши тұғри ичак ракининг дастлабки белгилари ҳисобланади.

Бұвосил касаллигиде қон алоҳида томчилар шаклида ҳожат охирида түшса, ракда, бунга қарама-қарши үла-роқ, қон ҳожатнинг бошида тушади ёки ахлатга аралаш-тан бұлади. Бирмунча вакт үтганидан кейин чаноқда оғриқ пайдо бұлади, күпинча ҳожат вақтида ахлат йириң билан қонға аралашиб тушади ва жуда құланса бұлади, тез-тез ва күп-күп қон келиб туради.

Касалликинг лоақал баъзи белгиларини, хусусан шубҳа түгдирдиган белгиларини сезган одам вактни үтказмай, тезда врача күриниши лозим.

**Пастки лаб раки.** Пастки лаб раки, асосан, ёши қайтиб қолган эркакларда, ахён-аҳёнда хотинларда учрайди. Рак лаб қызил милкишинг қаттиқлашиб қолиши ёки унда яра бұлиб турған, оғримайдиган кичкина үсманинг юзага келиши билан бошланади. Бу яра, одатда, қора пұст билан қопланиб туради.

**Тил ва оғиз бұшлиғи шиллиқ пардасининг раки.** Тил раки хотинлардан күра эркакларда, күпинча кекса одамларда күпроқ учрайди. Қасаллик, одатда, үз-үзіча тузалавермайдиган кичкина яра сифатида бошланади. Рак авж олиб келәётган биринчи күнлардан бошлабоқ одам овқат еганида, гаплашганида мана шу яра атрофи бе-зиллаб туради. Яранинг четлари тез орада қаттиқлашиб, үсма ҳам, яранинг үзи ҳам тобора қатталашып боради.

**Оғиз бұшлиғи шиллиқ пардасининг раки,** күпинча, таги билан чети қаттиқ уннайдиган кичкина яра пайдо булишидан бошланади. Бу яра оғримайди ва қона-майди.

**Оғиз бұшлиғи шиллиқ пардасида** пайдо бұлиб, 3—4 ҳафта мобайнида тузалиб көтмайдиган яралар қандай-дир бирор хил үзгаришларга сабаб бұлмаса ҳам, улар рак әмасникин, деган гумопни вужудға келтиради.

**Тухумдонлар раки.** Тухумдонлар раки 40—60 ёшлардаги аёлларда учрайди, лекин ёшроқ хотинларда ҳам учраши мумкин.

Тухумдон раки дастлабки даврда ҳеч қандай ўзгаришга сабаб бўлмайди. Уни врач ёки беморнинг узи тасодифан билиб қолади. Дармон қуриши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, қориннинг пастида кўпинча симиллаб турадиган, баъзан тўғри ичак, қинга ўтадиган доимий ёки қисқа муддатли оғриқларнинг туриши тухумдон ракининг илк белгиларидан ҳисобланади. Бу оғриқлар сийиш ёки ҳожат вақтида оғриқ туриши билан бирга давом этиши мумкин.

Тухумдон раки билан оғриганда, кўпинча, қориннинг ўсма жойлашган қисми нотекис бўлиб катталашиб кетади.

Тухумдон раки билан оғриган аёлларнинг кўпчилигига ҳайз тўхтаб қолади. Лекин бунда қиндан қон селига ўхшаш сув ва ҳатто қон келиб туриши мумкин. Бундай ҳодисалар касалликнинг илк белгисидир. Шунинг учун ҳайз тўхтаганидан кейин жинсий йўллардан қон аралаш сув келаётганини пайқаган аёл бунга бепарво қарамай, дарҳол врачга мурожаат қилмоғи зарур.

Врач беморни куздан кечирав экан, унинг шикоятларини диққат-эътибор билан тинглайди, уни замонавий аппаратлар ёрдамида синчиклаб текшириб кўради. Мана буларнинг ҳаммаси бемор саломатлигининг қандай аҳволда эканлигини аниқ билиб олишга ва рак касаллигини тўғри аниқлешга олиб келади.

Баъзан беморнинг узи баданида ўсма ва яра пайдо бўлганини, териси қалин тортиб, шишгани ва безиллаб турадиган бўлиб қолганини пайқайди. Бордию врач бундай аломатларни диагноз учун кифоя қилмайди, деб ҳисобласа, у bemорни қўшимча равишда текширишга буюради. Замонавий текшириш методлари, кўп ҳолларда, ўсманни энди пайдо бўлиб келаётган даврида аниқлаб олишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда ёмон сифатли ўсмаларни аниқлашнинг қадимдан расм бўлиб қолган оддий методлари билан бир қаторда текширишнинг мураккаб ва янги методлари ҳам қўлланилмоқда. Бронхография, бронхоскопия, эзофагоскопия, томография, радиоизотоплар ва ультра товуш методлари ва бошқалар ана шундай методлар жумласидандир.

Ўсмалар айrim ҳужайралари ёки ҳужайра группаланади.

рининг қандай тузилганлигига қараб (цитологик текшириш) ва тұқымаларнинг қандай тузилганлигига қараб (гистологик текшириш) аниқлаб олинади.

Рентгенолөгик йүл билан текшириш ички органларда пайдо бұлған ёмон сифатлы ұсмаларни барвақт аниқлаб олишда катта ёрдам беради. Ҳозирги пайтда томограф деган махсус рентген аппарати ёрдами билан одам танасининг ҳар қандай чуқурлигіда жойлашған органларнинг рентген суратини олиш мумкин. Масалан, мазкур аппарат ёрдамида буйрак, буйрак усти безлари, қорин пардаси тәгидаги бүшлик, күкс оралиғи ва кичик чаноқ органларыда пайдо бұлған ёмон сифатлы ұсмаларни аниқлаб олса бұлади. Текшириш вақтида олинадиган рентген суратлари эса ұсманинг қандай ақвозда әканлигини, катта-кичиклигини ва қаерга жойлашганини аниқ билиб олиш учун имконият яратади ва врачаға әнд җашы даво усулини танлаш, операция планини тузишда күмаклашади.

Ҳозирги пайтда қызилұнгач, меъда, ичак, үпка ва сийдик йүллари раки бор деб гумон қилинганды, бемор рентгенолөгик йүл билан синчиклаб текшириб күрилмаса, унга аниқ диагноз қўйиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиб үтиш керакки, баъзан беморни ҳали ҳеч нарса безовта қилмай турған даврда уни рентгенолөгик йүл билан текшириб күрилганды, операция қилиб ёки нур билан даволаб, тамомила йўқотиб юборса бўладиган ұсма борлигини топиш мумкин бўлади.

Беморларни рентгенолөгик йүл билан текшириш вақтида, одатда, оз миқдорда нур ишлатилишини, замонавий рентгенодиагностика аппаратлари эса уларни ортиқча нур таъсиридан җашы ҳимоя қилишини бу ўринда алоҳида таъкидлаб үтиш керак. Модомики, шундай әкан, одамни рентген нурлари билан текшириб күриш унинг саломатлиги учун ҳеч қанча хавфли эмас.

Маълумки, сұнгги 15—20 йил мобайнида турли касалликларни ва ёмон сифатлы ұсмаларнинг баъзи турларини аниқлашда радиоактив изотоплардан фойдаланиш методи кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Атом ядророси устида олиб борилган текширишларда катта муваффақиятларга эришилганлиги ва хар қандай элементнинг радиоактив изотопларини тайёрлаш мумкин бўлиб қолганлиги касалликларни аниқлашнинг мазкур методини яратишига асос бўлиб хизмат қилди.

Радиоактив нурларни жуда җашы сезадиган янгидан-

янги аппаратлар (сцинтиляцион счётчиклар, скеннерлар) яратилди. Бу аппаратлар радиоактив изотоплар билан диагноз қўйиш методини одамга бехатар қилиб қўйди. Ёмон сифатли ўсмаларниг баъзи хилларида тўпланадиган радиоактив препаратлар олинди. Уларнинг бу хилда тўпланиши биохимик текширишларда исботланди. Ёмон сифатли ўсмаларниг ўсиш жараёнида уларда моддалар алмашинувининг, масалан, фосфор бирикмалари алмашинувининг куччайиши шу текширишларда маълум бўлди. Шунга асосланиб, ёмон сифатли ўсмаларни аниқлаш мақсадида фосфорнинг радиоактив изотопларидан фойдаланила бошлади.

Радиоактив изотоплар одам организмига жуда оз миқдорда киритилади, шуида ўсма ҳужайралари уларни тез ушлаб олади. Бу ҳол бемор тўқималарининг қайси қисмида радиоактив фосфор кўпроқ тўпланиб қолганини аниқлашга имкон беради.

Шу тариқа олинган маълумотларни қасалликнинг бошқа белгилари ва анализ натижалари билан солишиб кўриб, ёмон сифатли ўсмани яхши сифатли ўсмадан фарқлаб олиш мумкин. Терида пайдо бўлган ёмон сифатли меланомага, кўз олмасининг меланомасига, шунингдек оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг ёмон сифатли ўсмаларига шу йўсинда аниқ диагноз қўйилади.

Миянинг ёмон сифатли ўсмалари туфайли қилинаётган операциялар вақтида радиоизотоп методи билан диагноз қўйиш усулидан фойдаланиб, ўсманинг қаерда жойлашганини ва катта-кичкликларини одатдаги бошқа усулларга нисбатан анча аниқроқ билиб олиш мумкин. Шунингдек, худди шу радиоактив изотопларни қўллануб бошқа органларда учрайдиган ўсмаларни ҳам аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда.

Қизилўнгач, меъда, бронхлар, ўпка ва ичак ракини аниқлаш учун бемср турли асбоблар билан қўшимча равишда текшириб кўрилади. Бунда ҳар хил оптик асбоблардан фойдаланилади. Бу асбоблар қизилўнгач, меъда, бронхлар ва туғри ичак шиллиқ пардасининг ҳолатини аниқлаб олишда врачга ёрдам беради. Бундай текшириш вақтида врач шиллиқ пардада юзага келган кичкина ўсма, полип ва ярапи кўриш, шунингдек микроскоп ёрдамида текшириш учун тўқимадан суртма ёки бир бўлагини ажратиб олиш имконига эга бўлади.

**Ракни даволашнинг замонавий усуллари. Ҳозирги**

вақтда ёмон сифатли ўсмаларни даволашда беморни хирургик йўл билан ва нур билан даволаш усуслари асосий ўрин тутади. Бироқ ҳозирги вақтда медицина илми кўпдан-кўп техника ускуналарига эга бўлгани сабабли бу методларнинг имкониятлари анча кенгайиб кетди. Айни вақтда ўсма ва метастазларнинг ўсишини тұхтатиб қўядиган комплекс даво тадбирлари ҳам кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Бемор комплекс усулда, яъни кимёвий моддалар ва баъзи гормонлар билан даволанганида ўсма ўсишдан тұхтаб, метастазлар ҳосил қилмайдиган ҳолга келиб қолади, баъзида эса тамомила йўқолиб кетади. Беморни яхши даволаш натижасида уни ўз ишига қайтариш, дардидан халос қилиб, касали вақтидан анча ўтган бўлса ҳам, умрини узайтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда хирургик йўл билан ва нур билан даволаш усусларидан фойдаланиб, қўпгина ҳолларда ёмон сифатли ўсмаларни тамомила йўқотиб юборса бўлади. Лекин, ўсманинг метастаз формасига ўтишига йўл қўймаслик ҳам жуда муҳим вазифадир. Бунинг учун беморга операциядан олдин ва кейин нур берилади. Худди шу мақсадда кимёвий моддалар ва гормонлар билан даволаш усулидан ҳам фойдаланилади. Шу билан бирга организмнинг куч-қувватини ошириш чоралари кўрилади (қон қувиш, витаминлар бериш ва ҳоказо).

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, операция йўли билан даволаш ёмон сифатли ўсмаларнинг бир қанча турларини батамом йўқотишнинг бирдан-бир усули бўлиб қолмоқда.

Лекин, нур билан даволаш методи ҳам жуда муҳимдир. Хирургик йўл билан даволашнинг иложи бўлмаган бир қатор ҳолларда бу усулдан бемалол фойдаланса бўлади. Радий ва бошқа радиоактив элементларнинг гамма нурлари ва рентген нурлари биологик жиҳатдан бир хил таъсир кўрсатади ва ўсма тўқимасини емиради.

Маълумки, рентген нурлари ва радиоактив препараларнинг гамма нурлари қисқа тўлқинли электромагнит тебранишларидан иборат бўлиб, улар ҳужайралар билан тўқималар ичida чуқур ўзгаришларни келтириб чиқара олади. Ёмон сифатли ўсмаларнинг купчилиги ана шундай нурлар таъсирига соғлом тўқималарга нисбатан анча сезгир бўлади. Ўсма бор орган ёки тўқимада қон айланиши секинлашиб қолганида ўсманинг нур таъ-

сирига анча сезгир, атрофдаги соғлом тұқымаларнинг эса, аксинча, чидамлироқ бўлиши аниқланган.

Клиник кузатишлардан яна шу нарса маълумки, бемор кимёвий моддалар ва баъзи гормонлар билан олдиндан тегишли суратда даволанадиган бўлса, ёмон сифатли ўсма нур таъсирига анча сезгир бўлиб қолади. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда киши танасининг сирти ёки ичкарисида жойлашган ўсмага зарур дозадаги нур билан таъсир кўрсатиш мумкин, деган фикрлар айтиляпти.

Демак, ўсмани хирургик йўл билан олиб ташлаш иложи бўлмаган тақдирда уни парчалаб, емириб ташлаш мумкин.

Рентген-радиологик асбоб-ускуналар анча такомилаштирилиб, уларнинг янги хиллари яратилгани учун рентгенотерапия билан радиотерапия рак билан оғриган bemорларни даволашда құдратли қурол бўлиб қолди. Оддий заррачалар тезлигини кучайтирадиган турли ускуналарнинг яратилиши (бетатронлар, чизиқли тезлатгичлар, циклотронлар) ёмон сифатли ўсмаларни даволашда олға томон қўйилган яна бир қадам бўлди. Мазкур ускуналар ёрдамида кучи 4 миллион электрон вольтдан 70 миллион электрон вольтгача борадиган жуда юксак энергияли нурларни ҳосил қилиш мумкин. Ана шу ускуналардан нур бериб, баданинг энг ичкарисида жойлашган ўсмаларни даволаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу хил ускуналар ёрдамида белгиланган масофадаги тұқимага исталган дозада нур тушириш мумкин.

Ёмон сифатли ўсмаларни радиоактив изотоплар билан даволш сунгги вақтларда янада кенг қулоч ёди. Нур беришнинг техник шарт-шароитлари яхшиланди, натижада даво анча яхши кор қиладиган бўлиб қолди. Кейинги икки ўн йиллик мобайнида ядро физикаси соҳасида катта-катта муваффақиятлар қўлга киритилгани туфайли ана шуидай ютуқларга эришиш мумкин бўлди.

Ёмон сифатли ўсмалар билан оғриган bemорларни даволашда ҳозир радиоактив изотопларнинг бета ва гамма нурларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бундай изотоплар орасида сунъий йўл билан олинадиган изотоплар ҳам, табиий изотоплар ҳам бор. Сунъий изотопларни олиш усули кашф этилгандан кейин уларни кўплаб ҳосил қилиш ва очиқ ҳамда ёпиқ радиоактив

изотоплар ҳолида баданинг сиртига ҳамда ички қисмларига нур берадиган маңба үрида ишлатиш мумкин булиб қолди. Шундай қилиб, үсманинг қаерда ва қандай чуқурликда жойлашгани, ўсиш хусусиятларига қараб қандай изотоп қерак бўлса, ўша изотопни танлаб олиш ва ишлатиш имконияти вужудга келди.

Изотопдан фойдаланишда унинг физик-кимёвий хоссалари, энергияси ва ярим парчаланиш даври ҳисобга олинади. Баданинг сиртида жойлашган кичкина үсмаларни даволаш учун ўша жойларга фосфор, стронций ва бошқа радиоактив изотоплар ёпишириб қўйилади. Улар ўзидан бета нур чиқарди, бошқача айтганда мазкур элементлар радиоактив йўл билан парчаланганида улардан электронлар ажralиб чиқади. Бундай нур моддаларнинг орасига чуқур кириб боролмайди (улардан яхши ўтолмайди). Қалинлиги 3—4 миллиметр келадиган тўқима қатлами бу пурларни батамом ютиб олади. Бу хилдаги нур ҳозир кўз шоҳ пардаси үсмаларини даволаш мақсадларида ишлатилмоқда, бунда кўз гавҳари шикастлашимайди.

Йод элеменининг қалқонсимон без тўқимасида анча кўпроқ тўпланиши шу безнинг ёмон сифатли үсмалари ва бошқа касалликларини даволаш учун радиоактив йоддан фойдаланишга асос бўлди.

Ёмон сифатли үсмаларни даволашда радиоактив изотоплар коллоид эритмалар ва суспензиялар шаклида тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Бунда коллоидларнинг асосий физик хоссаси — эримаслиги ва шунинг натижасида заҳарсиз бўлиши хоссасидан фойдаланилмоқда.

Коллоидлар эримайдиган бўлгани учун организмда кимёвий реакцияга киришмайди ва моддалар алмашинувида иштирок этмайди. Шу сабабли коллоид эритмалар асосан үсма ичига, тўқима орасига ва бўшлиқлар ичига юбориш учун ишлатилади. Масалан, ҳозирги пайтда коллоид олтин ва бошқа радиоактив изотоплар ана шундай мақсадларда қўлланилади.

Радиоактив изотопнинг коллоид эритмаси үсмага нурдан сақлайдиган маҳсус шприц ёрдамида юборилади. Радиоактив коллоиднинг үсмада қай тариқа тақсимланиши эса радиологик йўл билан текшириб борилади.

Бундан ташқари, үсма орасига юбориш мақсадида турли доначалар, яъни гранулалар, жумладан, олтин гранулалари ишлатилади. Бу гранулалар бўйи 2,5 миллиметр ва диаметри 0,8 миллиметр келадиган цилиндрик

күринишга эга бўлади. Улар ўсмага махсус асбоб ёрдамида киритилади. Гранулалар гамма нур чиқариб турадиган бўлгани сабабли шифобахш таъсири курсатади, яъни ўсмани емиради.

Ҳозирги пайтда қорин пардасининг бирламчи ракини, тухумдан ва сут безларининг плевра ҳамда қорин пардасига берган метастазларини радиоактив олтиннинг коллоид эритмаси билан даволаш методи ишлаб чиқилган. Бу хилдаги ўсма хирургик йўл билан олиб ташланганидан кейин метастазларига йўл қўймаслик учун ҳозирги вақтда қорин бўшлиғига радиоактив олтиннинг коллоид эритмаси юборилади. Ўсмага ичидан нур бериш билан бирга унга рентген аппарати билан ташқаридан ҳам нур берилади.

Ёмон сифатли ўсмаларни хирургик йўл билан ва нур билан даволашдан ташқари ҳозир химиотерапиядан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

«Химиотерапия» сўзи дори билан даболаш деган маъниони англатади. Дори моддалари ўсмаларга турлича йўл билан таъсири курсатади. Уларнинг баъзилари тўғридан-тўғри ўсма ҳужайраларини емирса, бошқаларини ўсманинг катталашувига тўсқинлик қиласади. Шу муносабат билан ўсмаларга қарши ишлатиладиган дориларнинг ҳаммаси икки катта группага: цитотоксик дорилар (тўғридан-тўғри ўсма ҳужайраларини емирадиган моддалар) ва антиметаболистик дорилар (ўсмада моддалар алмашинувини бузадиган моддалар) га бўлинади.

Ўсмаларга қарши ишлатиладиган моддалар табиий бирикмалардан ҳам, синтетик йўл билан ҳам олиниади. Улар ўсимлик моддалари, антибиотиклар, гормонлар шаклида ва бошқа хилма-хил шаклда бўлиши мумкин. Эмбихин, сарколизин, «ТИО — ТЭФ» каби моддалар синтетик моддалар жумласидандир.

Ўсмаларга актив таъсири курсатадиган моддалар жумласига, юқорида айтиб ўтилган моддалардан ташқари, гормонал препаратлар ҳам киради. Булар учта катта группага: эркак жинсий гормонлари, аёллар жинсий гормонлари ва кортикостероидлар деб аталадиган гормонлар (буйрак усти бези пўстлоғининг гормонлари) га бўлинади. Сут бези билан простата бези ўсмаларини даволашда гормонлар кўпроқ ишлатилади.

Ёмон сифатли ўсмалар билан оғриган беморларни даволашда қандай бўлмасин битта даво усулидан фойдаланиш, купинча, кифоя қилмайди. Шунинг учун ара-

лаш даво усулидан тобора күпроқ фойдаланилмоқда. Бу усул турли методларнинг яхши томонларини бир-бiri билан пайвандлаш имконини беради. Ёмон сифатли ўсмаларни хирургик йўл билан, нур билан даволаш усуllibарни химиотерапия билан бирга қўшиб ва билиб ишлатиш ёмон сифатли ўсмаларга қарши курашдек олижаноб ишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдамлашади ва беморларнинг умрини узайтириб, ҳаётини сақлаб қолиш учун имконият яратади.

Янги химиотерапевтик моддалар устида олиб бориляётган илмий текширишлар, физика фанининг янада янги, янада кучлироқ нур энергияси маңбаларини медицинада ишлатишга имкон берадиган сўнгги ютуқлари ёмон сифатли ўсмаларни даволашда жуда катта имкониятларни вужудга келтирди.

Эндиликда, агар беморлар ўз вақтида врачга мурожаат қилсалар, улар кўпчилик ҳолларда батамом тузалиб кетишлари мумкин. Ҳар жиҳатдан тобора камол топаётган мамлакатимизда врачлар томонидан аҳолининг профилактик мақсадларда вақт-вақти билан текшириб турилиши ҳам бунга кенг йўл очади.

Ёши 35 дан ошиб қолган ҳар бир кишининг ҳар йили бир марта врач текширувидан ўтиб туриши маслаҳат берилади. Бундай профилактик текширишлар ўсмага олиб борадиган касалликлар билан оғриган беморларни аниқлаш учунгина ўtkазилмай, балки ракни барвақт аниқлаб олиш ва аҳолини касалликнинг ilk белгилари билан батафсироқ танишириш учун ҳам ўтказилади.

Яна бир бор таъкидлаймизки, ҳар бир одамнинг ўз сиҳат-саломатлигини доимо диққат-эътибор билан кузатиб бориши ракнинг олдини олиш ва уни даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Пировардидаги шуни яна бир марта айтиб ўтиш зарурки, ракни даволаса бўлади, бу давонинг нечоғлиқ яхши ва самарали булиши эса беморнинг ўзига боғлиқдир. Чунки ракни барвақт аниқлаш ва уни ўз вақтида даволаш мазкур касалликка қарши курашнинг асосицидир.

Баҳоси 6 т.

Индекс 75406

30